

## ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент мажлиси



Тошкент шаҳрида 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Қозогистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгashi Бош вазири Ли Кэцян, Қирғиз Республикаси Бош вазири

Муҳаммадқалий Абилғазиев, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Ҳиндистон Республикаси мудофаа вазири Ражнат Сингх ва Покистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ШХТ бўйича миллий координатори Захур Аҳмаднинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Музокарада ШХТ Бош котиби Владимир Норов ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилемаси Ижроия қўмитаси директори Жумахон Ғиёсов ҳам иштирок этди.

Мулоқот чоғида ШХТ фаолияти изчил ривожланиб бораётгани, ташкилот Хартияси ва аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда муҳим хуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШХТ қисқа муддатда жадал ривожланиб, нуфузли ташкилотга айланди. Унинг халқаро майдондаги мавқеи йил сайин ортиб, ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳиндистон ва Покистоннинг 2017 йилда ташкилот аъзолигига қабул қилиниши ШХТ доирасида очиқлик тамойили устувор аҳамият касб этишидан далолат.

ШХТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро хурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисодиёт ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Бу каби мақсадларни рӯёбга чиқаришда фантехника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ШХТ худудида терроризм, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси ва трансчегаравий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШХТга аъзо давлатлар ва минтақада барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-хуқуқий асос яратилди. Бугунги қунда етмишдан ортиқ келишув ва бошқа меъёрий хужжатлар ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни тартибга солиб келмоқда.

Ўзбекистон ШХТ таъсисчи давлатларидан бири сифатида ташкилот доирасидаги қўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, унинг халқаро обруй-эътиборини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташкилотдаги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштириди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг Остона, Циндао ва Бишкек саммитларида хавфсизлик, савдо-иқтисодий, илм-фан, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларда амалий таклифларни илгари сурди.

Тошкент ташаббуси билан темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари учрашувиning механизми, мамлакатимизда ташкилотга аъзо давлатлар орасида биринчи бўлиб ШХТ халқ дипломатияси маркази, Самарқандда "Ипак йўли" туризм халқаро университети ташкил этилди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати ва уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳаракатлар дастури, ШХТга аъзо давлатлар илмий-тадқиқот муассасаларининг 2019-2020 йиллардаги ҳамкорлиги "Йўл харитаси", Минтақалараро ҳамкорлик дастури, Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси ва бошқа муҳим хужжатлар қабул қилинди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши иштирокчилари кун тартиби ва унинг доирасида имзоланадиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлашди, ШХТ фаолиятига доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмасишиди.

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви раиси М.Шаршекеев ва ШХТ Банклараро бирлашмаси кенгаши раиси А.Оморкулов, кузатувчи давлатлар вакиллари – Афғонистон Ислом Республикаси Бош вазири А.Абдулла, Беларусь Республикаси Бош вазири С.Румас, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти И.Жаҳонгирий, Мўғулистан Бош вазири ўринbosари У.Энхтувшин, фахрий меҳмон сифатида Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари – БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби ўринbosари Х.Хам, МДХ Ижроия қўмитаси раиси ўринbosари С.Иванов, АСЕАН Бош котиби ўринbosари Р.Тене, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаши котибияти ижрочи директори Ҳ.Мирзозода, Евросиё иқтисодий комиссияси раиси Т.Саркисян, БМТ ФАОнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили В.Рахманин қатнашди.

Мажлис иштирокчилари ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Бишкек саммитида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар – аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик, сиёsat, иқтисодиёт, соҳаларида қўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид ташкилот Бош котиби В.Норовнинг ҳамда ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси кенгаши раисларининг тузилма фаолиятига оид ахборотларини тингладилар.

Хукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг юқори технологияли ва инновацион қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иқтисодиётнинг инфратузилма, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, рақамлаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм каби муҳим тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш, кўргазма-ярмарка фаолияти ва мультимодал транспорт-логистика комплексларини ривожлантиришга қаратилган амалий ташабbusларининг муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратди.

Биргаликда очик турдаги халқаро иқтисодиётни шакллантириш бўйича саъй-харакатларни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиши яна бир бор тасдиқланди. ШХТга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари ўртасида темир йўл транспорти соҳасидаги ўзаро боғлиқлик концепцияси тасиқланди. Бу минтақадаги мавжуд транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, юқ ташиб ҳажмини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Шу орқали ШХТ маконида товарлар айланиши ва инвестиция фаоллигини ошириш учун қулай муҳит яратилади.

ШХТга аъзо давлатлар сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, глобал тараққиётга эришиш, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суришдаги халқаро саъй-харакатларни қўллаб-кувватлади. ШХТга аъзо давлатларининг Циндао ва Бишкек саммитлари яқунлари бўйича қабул қилинган қўшма декларацияларда яна бир бор ўз аксини топди.

Мажлисда ШХТ билан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ўртасида англашув меморандуми имзолангани ташкилот фаолиятида сиёsat, хавфсизлик, иқтисодиёт ва гуманитар алоқа соҳаларидағи ҳамкорлик кўп қиррали хусусиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлади.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида чекка ва қишлоқ худудларида аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишда кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мазкур мажлиси доирасида чекка ва қишлоқ худудларини рақамлаштиришни ривожлантириш бўйича концепция лойиҳасини ишлаб чиқиши ҳамда уни амалга оширишда яқдил қарорга келингани муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, маданият, таълим, спорт, фан ва техника соҳаларидағи ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Мамлакатларнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёхлик салоҳиятидан

янада тўлароқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш, бунда Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм халқаро университети имкониятларидан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Бу ШХТ худудида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг манфаатлари йўлида маданиятларо мулокотни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар чогида Орол минтақасидаги экологик вазиятни инобатга олган ҳолда, "Оролбўйи – экологик инновациялар ва технологиялар худуди"ни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш ғояси илгари сурилди.

Хукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иктисодий ҳамкорлик дастури ижросини кўриб чиқдилар ва янги дастурни маъқулладилар.

Ташкилотнинг 2020 йил учун мўлжалланган бюджетини тасдиқладилар.

Тадбирда жами 14 хужжат имзоланди. ШХТга аъзо давлатлар Хукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси якунлари бўйича Қўшма коммюнике имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзолangan хужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Делегация раҳбарлари ШХТга аъзо давлатлар Хукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак савияда ташкил қилинганини эътироф этиб, Ўзбекистон томонига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2020 йилда илк бор Ҳиндистон Республикасида ўтказилади.

[ЎзА](#)